

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ

**222 Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги  
ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 3 апрель,  
173-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 3 апрелдаги 173-сон қарорига  
ИЛОВА

**Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги  
ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш  
(эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги  
низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банд «ўрта махсус» сўзларидан кейин «, касб-ҳунар» сўзи билан тўлдирилсин.

2. 6 — 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжат-

ларини тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Хорижий давлатларнинг тўлиқ ўрта (тўлиқсиз ўрта, ўрта) маълумот тўғрисидаги хужжатларини тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан хорижий давлатларнинг ўрта таълим муассасаларида 10, 11, 12 ва ундан юқори синфларда таълим олган талабгорларнинг хужжатлари таълим олганлик тўғрисидаги баҳолар табели (маълумотнома) ёки шаҳодатномага асосан тан олинади ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) бўйича тегишли хулоса қабул қилинади. Бунда 10 ва 11-синф битирувчисининг маълумот тўғрисидаги хужжатлари тегишли равишда академик лицейнинг 1 ва 2-босқичини тугатганлигига ҳамда 12 ва ундан юқори синф битирувчисининг хужжатлари ўрта махсус маълумотга тенглаштирилади.

Хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим ва тўлиқ ўрта (тўлиқсиз ўрта, ўрта) маълумот тўғрисидаги хужжатларини тан олиш тегишли комиссиялар томонидан ариза ва маълумот тўғрисидаги хужжатнинг асл нусхаси, унинг нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси асосида мурожаат қилинган кундан бошлаб энг кўпи билан икки ҳафта муддатда амалга оширилади.

Комиссия хулосаси Бошқармага юборилади ва уч кун муддат ичида тегишли қарор қабул қилишга асос бўлади. Комиссиялар бутун ўқув йили давомида фаолият кўрсатади ва ўз иши ҳақида Бошқармага ҳисобот беради.

7. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) қуйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва баённомалари асосида хорижий давлатларда таълим олган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритишига рухсат этилган хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларида таълим олган;

мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар)га мувофиқ тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг йўлланмалари асосида таълим олган;

халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига биринчи 500 талик рўйхатига киритилган, Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест марказининг қўшма қарори билан ҳар йили рўйхати тасдиқланадиган таълим муассасаларида таълим олган битирувчиларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли хорижий давлатларнинг давлат рўйхатида турган (легализация ёки аккредитация қилинган) ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотни олдиндан тайёрлаб қўйишлари лозим. Бунинг учун юқорида номлари қайд этилган идоралар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга мурожаат қилишлари мумкин.

9. Хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақидаги 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризага қўйидагилар илова қилинади:

ҳужжат эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми, якуний баҳолар, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараёнининг бошқа бажарилган талаблари кўрсатилиши лозим);

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ариза қабул қилингандан кейин маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асли ҳужжат эгасига қайтарилади».

3. 13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш талаблари:

таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ўзи жойлашган давлатнинг ваколатли органлари томонидан тан олинган бўлиши;

таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда тан олинган бўлиши;

таълим тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистон Республикасида амалда мавжуд бўлган таълим шаклида ўқиб олинган бўлиши;

таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олиниши Ўзбекистон Республикаси билан давлатлараро битимларда кўзда тутилган (мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) бўлиши зарур.

Мазкур бандда белгиланган талабларга мос келмаслик хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олмасликка асос бўлади».

4. 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «қабул қилиниши мумкин» сўзлари «қабул қилинади» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«муайян (ижтимоий соҳа, педагогика, тарих ва ҳуқуқ) таълим йўналиш-

ларининг хусусиятидан келиб чиқиб, ўзлаштирилган ўқув фанлари ҳажми ва дарс соатлари миқдори Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий ўқув режанинг 55 фоизидан кам қисмини ташкил қилса».

5. «Бошқармага тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш тартиби» бўлими матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20. Хужжат эгаси ёки унинг нотариал тасдиқланган ишончномага эга бўлган қонуний вакили ёки манфаатдор ташкилот ариза ва унга илова қилинадиган хужжатларни ушбу Низомнинг 9-бандига мувофиқ Бошқармага тақдим этади.

21. Бошқарма тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) жараёни учун барча зарур хужжатлар мавжудлигини аниқлайди ва ушбу материалларни тегишли эксперт комиссиясига юборadi.

Ушбу Низомнинг 9-бандига назарда тутилган хужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги аризани кўриб чиқишни рад этиш учун асос бўлади ва хужжатлар ариза берувчига қайтарилади.

22. Эксперт комиссиялари Бошқарма томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли таълим йўналиш (мутахассислик)лари бўйича ташкил этилади. Ушбу комиссиялар таркибига етук олимлар ва мутахассислар киради. Комиссиялар фаолиятига Бошқарма раҳбарлик қилади.

23. Экспертиза давлат таълим стандартлари, таълим муассасасини ўзлари жойлашган давлатларда белгиланган тартибда аккредитация қилиш ҳақидаги хужжат, кўрсатиб ўтилган таълим йўналиш (мутахассислик)лари бўйича ўқув режалари, ўқитилган ўқув фанларининг дастурлари, малака тавсифномалари ва Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган бошқа талаблар асосида амалга оширилади.

24. Эксперт комиссияси нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун тақдим этилган таълим хужжати ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ махсус экспертизадан ўтказиш натижасига кўра хулоса тайёрлайди.

Эксперт комиссияси хулосасида ариза берувчининг хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги хужжати белгиланган талабларга жавоб бериши ва у махсус синовларга (тест, ёзма иш, суҳбат) тавсия этилиши ёки хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги хужжати белгиланган талабларга жавоб бермаслиги сабабли нострификациялашга тавсия этилмаслиги тўғрисида тавсияси баён этилади.

25. Эксперт комиссиясининг хулосаси ариза берувчига ёзма равишда маълум қилинади.

Ижобий хулоса олган (махсус синовларни топширишга тавсия этилган) ариза берувчи махсус синовдан ўтиш учун Давлат тест марказига камида ўн кун олдин ёзма равишда мурожаат қилиши керак. Махсус синовлардан ўтиш муддати ариза берувчининг розилиги билан белгиланади.

26. Махсус синовлар эксперт комиссияси ёки унинг вакили иштирокида ўтказилади.

Махсус синовлар ариза берувчининг диплом иловасида мавжуд бўлган 3 тадан кўп бўлмаган мутахассислик фанлари бўйича, ҳуқуқ ва педагогика йўналишларида эса кўшимча равишда тарих ва ижтимоий фанлардан ўтказилади.

27. Махсус синов натижасига кўра 55 фоиз ва ундан кам балл тўплаган ариза берувчининг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари нострификациялашга (эквивалентлигини қайд этишга) тавсия этилмайди.

28. Махсус синовлар натижасидан норози бўлган ариза берувчи синов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида шикоят билан Давлат тест марказига мурожаат қилиши мумкин.

Махсус синовни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шикоятлар синов ўтказилган куни берилиши лозим.

Махсус синовлар натижаси бўйича тушган шикоят Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия томонидан икки ҳафта ичида кўриб чиқилади ва ёзма равишда муаллифга жавоб юборилади.

Эксперт комиссияси қарорига мувофиқ махсус синовлар натижасига кўра ҳужжатлари нострификациялашга тавсия этилмаган ариза берувчилар белгиланган тартибда махсус синовларни топшириш учун қайта мурожаат қилишлари мумкин.

29. Эксперт комиссияси хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва ушбу Низомнинг 24-бандига мувофиқ ўтказиладиган махсус синовлар натижасига кўра тегишли якуний хулоса тайёрлайди ва уни Бошқармага тақдим этади.

30. Бошқарма эксперт комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиб, таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

31. Маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалент эканлигини қайд этилганлиги ҳақидаги қарор ҳужжатнинг эгасига махсус гувоҳнома бериш тўғрисида Давлат тест марказининг тегишли буйруғи чиқарилишига асос бўлади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тан олинганда ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) амалга оширилганда қуйидаги давлат намунасидаги гувоҳномалар расмийлаштирилади:

умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида гувоҳнома ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ;

10, 11, 12 ва ундан юқори синф баҳолар табели (маълумотнома) ёки шаҳодатномани нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида гувоҳнома ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ;

ўрта махсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги дипломини нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида гувоҳнома ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ;

олий маълумот (дипломли мутахассис, бакалавр ва магистр) тўғрисидаги дипломини нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида гувоҳнома ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ.

Хужжат эгасининг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжати давлат намунасидаги гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

32. Ариза берувчининг хужжатларини кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва қарор қабул қилиш муддати ариза қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

Таълим олганлик тўғрисидаги хужжат берган таълим муассасаси, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштирувчи хужжатларни олиш талаб этилган ҳолларда экспертизадан ўтказиш ва қарор қабул қилиш муддати аниқлаштирувчи хужжатлар олинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Махсус синовларни ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган вақт мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган муддатга кирмайди.

33. Таълим тўғрисидаги хужжатни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақидаги гувоҳнома шахсан ариза берувчига ёки нотариал тасдиқланган ишончномага эга бўлган қонуний вакилига берилади.

34. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун амалдаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида тўлов ундирилади.

35. Диплом (шаҳодатнома ёки баҳолар табели) ва мазкур Низомга 3 — 6-иловаларига мувофиқ эквивалентлигини қайд этиш тўғрисидаги давлат намунасидаги гувоҳнома унинг эгасига Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасасида навбатдаги босқичда ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

36. Тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) натижалари юзасидан шикоят ва аризалар қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади».

6. 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Давлат тест марказига**

**А Р И З А**

\_\_\_\_\_ га  
(хужжат эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ НИНГ  
(хорижий давлат номи)

\_\_\_\_\_ дан  
(маълумот тўғрисидаги хужжатни берган таълим муассасасининг номи)

\_\_\_\_\_ мутахассислиги  
бўйича \_\_\_\_\_ берилган  
(берилган вақти ва жойи)

\_\_\_\_\_ ўқиш шакли \_\_\_\_\_-қайд рақами билан  
(кундузги, сиртки, кечки, масофали)

рўйхатга олинган \_\_\_\_\_ серияли, \_\_\_\_\_-рақамли дипломнинг тан

*Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.*

олинишини ва эквивалент эканлигини қайд этиш (нострификациялаш) бўйича тегишли ҳужжатларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Хорижий давлатда ўқиган таълим муассасаси тўғрисида қўшимча маълумотлар:

Индекс:

Телефон:

Факс:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(таълим муассасасининг манзили)

Аризага қуйидагиларни илова қиламан:

1. Паспорт нусхаси.

2. \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_ йилларда \_\_\_\_\_ шаклда ўқиб, «\_\_\_\_\_» мутахассислиги бўйича \_\_\_\_\_ йилда берилган \_\_\_\_\_- қайд рақами билан рўйхатга олинган \_\_\_\_\_ серияли \_\_\_\_\_-рақамли диплом ва унинг иловасининг асл нусхаси.

3. 2-бандда қайд этилган диплом ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси.

4. Тўлов тўланганлиги ҳақида ҳужжат.

Ариза берувчи: \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_

(ариза берилган сана)

\_\_\_\_\_

(имзо)

Яшаш манзилим: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_».

7. Қуйидаги мазмундаги 3 — 6-иловалар қўшилсин:

«Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатномани  
нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида  
ГУВОҲНОМА**



**ГУВОҲНОМА**

<b>О'zbekiston Respublikasi</b>	
<b>Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi</b>	
<b>ГУВОҲНОМА</b>	
<b>UO' № 000000</b>	
<b>Ma'lumot to'g'risidagi hujjatning asli bilan birgalikda taqdim etilganda qonuniy kuchga ega bo'ladi</b>	
Ushbu guvohnoma bilan _____	ga
(familyasi, ismi, otasining ismi)	
(ma'lumot to'g'risidagi hujjatni bergan ta'lim muassasasining nomi)	
tomonidan _____	da berilgan
(berilgan vaqti va joyi)	
_____	
(ma'lumot to'g'risidagi hujjatning seriyasi, tartib raqami)	
ma'lumot to'g'risidagi _____	_____
(ma'lumot to'g'risidagi hujjatning nomi)	
<b><i>O'zbekiston Respublikasida tan olinadi va u umumiy o'rta ma'lumot haqidagi shahodatnomaga tenglashtiriladi.</i></b>	
Boshqarma boshlig'i _____	_____ (F.I.O.)
M.O' _____	Ro'yatdan o'tkazish raqami _____
Berilgan sanasi: 20 ___ yil « ___ » _____	

**Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани  
нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)  
ҳақида гувоҳнома  
ТАВСИФИ**

Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани нострификациялаш ҳақида давлат намунасидаги гувоҳноманинг муқоваси томонлари 105 x 145 мм ўлчовда яхлит қопланган жигар ранг кўринишга эга. Унинг юз томонида босма нақш усулида олтин рангдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва пастроқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида **GUVOHNOMA** сўзи ёзилган.

Гувоҳноманинг ички қисми қалин оқ қоғозда офсет босма усулида тўрт хил: матн учун қора, тасвирий элементлар учун яшил, оч сарик, ҳаворангда босилади.

Саҳифа марказида 60 мм диаметрли Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби саккиз бурчакли фигура ичида жойлаштирилади. Унинг атрофи нақшли растрдан ташкил топган оч сарик рангдаги фондан иборат.

Гувоҳноманинг юқори қисмида лотин ёзувида «**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi**» сўзи акс эттирилади. Ундан пастроқда **UO'** лотин ҳарфи ва олти хонадан иборат бўлган рақам босилади.

Гувоҳнома 7 даражали химояга эга:

- 1) икки хил усулдаги чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисм учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори усул;
- 2) машинада нусха кўчиришни қийинлаштирадиган нимтатир бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларидан фойдаланиш;
- 4) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларини тушириш натижасида янги ранг ҳосил қилиш;
- 5) махсус қоғоз ишлатиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат Гербини оч ҳаворанг бўёқда тасвирлаш;
- 7) олти шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**10, 11, 12 ва ундан юқори синф баҳолар табели  
(маълумотнома) ёки шаҳодатномани нострификациялаш  
(эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида  
ГУВОҲНОМА**



**ГУВОҲНОМА**

**O'zbekiston Respublikasi  
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi**

**ГУВОҲНОМА**

**ТО'М № 000000**

**Ma'lumot to'g'risidagi hujjatning asli bilan birgalikda  
taqdim etilganda qonuniy kuchga ega bo'ladi**

Ushbu guvohnoma bilan \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ ga  
(familyasi, ismi, otasining ismi)

(ma'lumot to'g'risidagi hujjatni bergan ta'lim muassasasining nomi)

tomonidan \_\_\_\_\_ da berilgan  
(berilgan vaqti va joyi)

(ma'lumot to'g'risidagi hujjatning seriyasi, tartib raqami)

ma'lumot to'g'risidagi \_\_\_\_\_  
(ma'lumot to'g'risidagi hujjatning nomi)

***O'zbekiston Respublikasida tan olinadi va tenglashtiriladi.***

Boshqarma boshlig'i \_\_\_\_\_  
(F.I.O.)

M.O' \_\_\_\_\_ Ro'yatdan o'tkazish raqami \_\_\_\_\_

Berilgan sanasi: 20 \_\_ yil « \_\_ » \_\_\_\_\_

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

**10, 11, 12 ва ундан юқори синф баҳолар табели  
(маълумотнома) ёки шаҳодатномани нострификациялаш  
(эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида гувоҳнома  
ТАВСИФИ**

10, 11, 12 ва ундан юқори синф баҳолар табели (маълумотнома) ёки шаҳодатномани нострификациялаш ҳақидаги давлат намунасидаги гувоҳнома муқоваси томонлари 105 x 145 мм ўлчовда яхлит қопланган жигар ранг кўринишга эга. Унинг юз томонида босма нақш усулида олтин рангдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва пастрокда лотин ёзувидаги ўзбек тилида **ГУВОҲНОМА** сўзи ёзилган.

Гувоҳноманинг ички қисми қалин оқ қоғозда офсет босма усулида тўрт хил: матн учун қора, тасвирий элементлар учун яшил, оч сариқ, ҳаворангда босилади.

Саҳифа марказида 60 мм диаметрли Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби саккиз бурчакли фигура ичида жойлаштирилади. Унинг атрофи нақшли растрдан ташкил топган оч сариқ рангдаги фондан иборат.

Гувоҳноманинг юқори қисмида лотин ёзувида «**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi**» сўзи акс эттирилади. Ундан пастрокда **ТО'М** лотин ҳарфи ва олти хонадан иборат бўлган рақам босилади.

Гувоҳнома 7 даражали ҳимояга эга:

- 1) икки хил усулдаги чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисм учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори усул;
- 2) машинада нусха кўчиришни қийинлаштирадиган нимтатир бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларидан фойдаланиш;
- 4) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларини тушириш натижасида янги ранг ҳосил қилиш;
- 5) махсус қоғоз ишлатиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат Гербини оч ҳаворанг бўёқда тасвирлаш;
- 7) олти шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти тўғрисидаги  
дипломини нострификациялаш (эквивалентлигини  
қайд этиш) ҳақида  
ГУВОҲНОМА**



## ГУВОҲНОМА

<b>O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi</b>	<b>State Testing Center under the Cabinet of Ministers of The Republic of Uzbekistan</b>
<b>ГУВОҲНОМА</b>	<b>CERTIFICATE</b>
<b>O'MK № 000000 Ma'lumot to'g'risidagi hujjatning asli bilan birgalikda taqdim etilganda qonuniy kuchga ega bo'ladi</b>	<b>O'MK № 000000 Valid upon submission with the authentic document on education</b>
Ushbu guvohnoma bilan _____ _____ ga (familyasi, ismi, otasining ismi)	Present _____ (name of educational, academic inquiry etc.) Series _____ № _____
_____ (ma'lumot to'g'risidagi hujjatni bergan ta'lim muassasasining nomi) tomonidan _____ da berilgan (berilgan vaqti va joyi)	Issued to _____ (family name, first name, middle name) _____
_____ (ma'lumot to'g'risidagi hujjatning seriyasi, tartib raqami)	by _____ (name of institution issuing the qualification)
ma'lumot to'g'risidagi _____ (ma'lumot to'g'risidagi hujjatning nomi)	_____ (issued date and country)
<b><i>O'zbekiston Respublikasida tan olinadi va u o'rtta maxsus, kasb-hunar ma'lumot to'g'risidagi diplomga tenglashtiriladi.</i></b>	<b><i>Is hereby recognized in the Republic of Uzbekistan to be equivalent to a diploma of secondary specialized vocational education.</i></b>
Boshqarma boshlig'i _____ (F.I.O.) M.O': _____ Ro'yxatdan o'tkazish raqami _____	The Chief of the Department _____ (full name) P.S. _____ Registry №o _____
Berilgan sanasi: 20__ yil «__» _____	Date of issue: _____ «__» 20__

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

**Ўрта махсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги  
дипломини нострификациялаш (эквивалентлигини  
қайд этиш) ҳақида гувоҳнома  
ТАВСИФИ**

Ўрта махсус, касб-хунар маълумоти даражасидаги диплом нострификацияси тўғрисида давлат намунасидаги гувоҳноманинг муқоваси томонлари 210 x 145 мм ўлчовда яхлит қопланган яшил ранг бумвинилдан тайёрланган кўринишга эга. Унинг юз томонида босма нақш усулида олтин рангдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва пастроқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида **GUVOHNOMA** сўзи ёзилган.

Гувоҳноманинг ички қисми қалин оқ қоғозда офсет босма усулида тўрт хил: матн учун қора, тасвирий элементлар учун яшил, оч сарик, қизил рангда босилади.

Саҳифа марказида 60 мм диаметрли Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби саккиз бурчакли фигура ичида жойлаштирилади. Унинг атрофи нақшли растрдан ташкил топган оч сарик рангдаги фондан иборат.

Гувоҳноманинг юқори қисмида лотин ёзувида «**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi**» сўзи акс эттирилади. Ундан пастроқда **О'МК** лотин ҳарфи ва олти хонадан иборат бўлган рақам босилади. Гувоҳноманинг иккинчи саҳифасида барча ёзувлар инглиз тилида такрорланади.

Гувоҳнома 7 даражали химояга эга:

- 1) икки хил усулдаги чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисм учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори усул;
- 2) машинада нусха кўчиришни қийинлаштирадиган нимтатир бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларидан фойдаланиш;
- 4) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларини тушириш натижасида янги ранг ҳосил қилиш;
- 5) махсус қоғоз ишлатиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат Гербини оч хаворанг бўёқда тасвирлаш;
- 7) олти шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

**Олий маълумот (дипломли мутахассис, бакалавр ва магистр) даражасидаги дипломини нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида  
ГУВОҲНОМА**



## ГУВОҲНОМА

<b>O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkaması huzuridagi Davlat test markazi</b>	<b>State Testing Center under the Cabinet of Ministers of The Republic of Uzbekistan</b>
<b>ГУВОҲНОМА</b>	<b>CERTIFICATE</b>
<b>O'MK № 000000</b> <b>Ma'lumot to'g'risidagi hujjatning asli bilan birgalikda taqdim etilganda qonuniy kuchga ega bo'ladi</b>	<b>O'MK № 000000</b> <b>Valid upon submission with the authentic document on education</b>
Ushbu guvohnoma bilan _____ _____ga (familyasi, ismi, otasining ismi)	Present _____ (name of educational, academic inquiry etc.) Series _____ № _____
_____ (ma'lumot to'g'risidagi hujjatni bergan ta'lim muassasasining nomi) tomonidan _____ da berilgan (berilgan vaqti va joyi)	Issued to _____ (family name, first name, middle name)
_____ (ma'lumot to'g'risidagi hujjatning seriyasi, tartib raqami)	by _____ (name of institution issuing the qualification)
ma'lumot to'g'risidagi _____ (ma'lumot to'g'risidagi hujjatning nomi)	_____ (issued date and country)
<b>O'zbekiston Respublikasida tan olinadi va _____ (diplomli mutaxassis (oily ma'lumot), oily bakalavr, oily magistr darajalaridan tegishlisi nomi)</b> <b>darajasidagi oliy ma'lumot haqidagi diplomga tenglashtiriladi.</b>	<b>Is hereby recognized in the Republic of Uzbekistan to be equivalent to a _____ (qualified specialist (higher education), bachelor's , master's ) degree.</b>
Boshqarma boshlig'i _____ (F.I.O.) M.O'. Ro'yxatdan o'tkazish raqami _____	The Chief of the Department _____ (full name) P.S. Registry № _____
Berilgan sanasi: 20__ yil «__» _____	Date of issue: _____ «__» 20__

**Олий маълумот (дипломли мутахассис, бакалавр ва магистр) даражасидаги дипломини нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳақида гувоҳнома ТАВСИФИ**

Олий маълумот (дипломли мутахассис, бакалавр ва магистр) даражасидаги дипломини нострификациялаш ҳақидаги давлат намунасидаги гувоҳноманинг муқоваси томонлари 210 x 145 мм ўлчовда яхлит қопланган кўк ранг бумвинилдан тайёрланган кўринишга эга. Унинг юз томонида босма нақш усулида олтин рангдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва пастрокда лотин ёзувидаги ўзбек тилида **GUVOHNOMA** сўзи ёзилган.

Гувоҳноманинг ички қисми қалин оқ қоғозда офсет босма усулида тўрт хил: матн учун қора, тасвирий элементлар учун яшил, оч сарик, қизил рангда босилади.

Саҳифа марказида 60 мм диаметрли Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби саккиз бурчакли фигура ичида жойлаштирилади. Унинг атрофи нақшли растрдан ташкил топган оч сарик рангдаги фондан иборат.

Гувоҳноманинг юқори қисмида лотин ёзувида «**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi**» сўзи акс эттирилади. Ундан пастрокда **О** лотин ҳарфи ва олти хонадан иборат бўлган рақам босилади. Гувоҳноманинг иккинчи саҳифасида барча ёзувлар инглиз тилида такрорланади.

Гувоҳнома 7 даражали ҳимояга эга:

- 1) икки хил усулдаги чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисм учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори усул;
- 2) машинада нусха кўчиришни қийинлаштирадиган нимтатир бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларидан фойдаланиш;
- 4) ҳар хил шаклдаги растр сеткаларини тушириш натижасида янги ранг ҳосил қилиш;
- 5) махсус қоғоз ишлатиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат Гербини оч ҳаворанг бўёқда тасвирлаш;
- 7) олти шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш».